Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 12 февраль • сешанба • № 22 (4151)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қорақалпоғистон Республикаси

Бунёдкорлик

## Мўйноқ замонавий қиёфа касб этмоқда

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Мўйноқ туманида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йили аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида қисқа муддатда 101 км. узунликда сув қувури тортилди. Бундан ташқари, туманни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар ишга тушди.**





Бундай эзгу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Бир нечта кўп қаватли турар жойлар, амфитеатр, стадион ва яна бошқа қатор объектларда қурилиш ишлари қизғин бормоқда. Йўл қурилиши ишлари ҳам авжида. Хусусан, «Қўнғирот-Мўйноқ» автомобиль йўлининг 91-98 км. даги қисми капитал таъмирланмоқда.

– 7 километрлик йўлни таъмирлаш ишларига 10 га яқин техника ва кўплаб ишчилар жалб этилган. Ишчилар учун барча шароит яратилган. Яқин кунларда асфальт ётқизиш ишларини бошлаймиз, – дейди Қўнғирот тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Иззат Қўчқоров.

**ЎзА фотомухбири**
**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.**

Хоразм вилояти

Ҳамкорлик

**Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми тузилди.**

## Дастур имзоланди. Нима ўзгаради?

– Касаба уюшмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш имкониятларини янада кенгайтирган бўламиз, – дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Мансур Машарипов. – Ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда йирик лойиҳаларни амалга ошириш шулар жумласидандир.

– Дастурга кўра, тўққиз йўналишда ҳамкорлик қилинади, – дейди Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Камолжон Бекжонов. – Жумладан, кенг дунёқарашга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшлар фаоллигини ошириш, замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, хорижда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Энди гап ушбу режаларнинг амалда бекам-у кўст ижро қилинишида. Зеро, бундан кўплаб хоразмлик ёшлар манфаатдор бўлади.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«Ishonch» мухбири

## КУН НАФАСИ

«Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

**uza.uz**

* * *

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 11 февраль – Ислом инқилоби ғалабаси куни муносабати билан Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳонийни табриклади.

**Президент матбуот хизмати**

* * *

Абдусалом Азизов Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Баҳодир Қурбонов эса Мудофаа вазири этиб тайинланди.

**Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

«Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари овқатланиш тизимини аутсорсинг шартларида ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

Жанубий кореялик мутахассис Донгвук Ли Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ва Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари маслаҳатчиси лавозимига тайинланди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

«Тошкент-Бишкек-Тошкент» халқаро автобус қатнови янги жадвал бўйича қайтадан йўлга қўйилди.

**Транспорт вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Сирдарёда Ҳиндистон тажрибаси асосида ёшларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш билан шуғулланувчи «Бизнес акселератор» ташкил этилади.

**Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Нукус шаҳрида илк бор расмий тарзда аралаш жанг санъати (ММА) бўйича мамлакат чемпионати ўтказиладиган бўлди.

**olamsport.com**

* * *

Хорватия пойтахти Загреб шаҳрида юнон-рум кураши бўйича катталар ўртасидаги «Гран-при» турнирида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари иккитадан олтин ва бронза, битта кумуш медалга сазовор бўлди.

**uza.uz**

* * *

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Россия Федерациясининг «Талабалар медиа маркази ассоциацияси (ТММА)»га аъзо бўлди.

**xabar.uz**

* * *

Мудофаа вазирлиги спорт клуби аъзоси Надия Дусанова Чехияда ўтказилган «Hvězdy v Nehvizdech» («Юлдузлар Нехвиздеда») халқаро турнирида енгил атлетика бўйича олтин ва бронза медалини қўлга киритди.

**Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг Тошкент филиали жорий йилнинг сентябрь ойидан бакалавриат ва магистратура йўналишлари бўйича иш бошлайди.

**Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати**

* * *

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 14–25 февраль кунлари Испаниянинг Сан-Педро-дель-Пинатар шаҳрида йиғин ўтказади.

**Футбол ассоциацияси матбуот хизмати**

* * *

Венгриянинг «Mediorad plus Kft» компанияси Андижон вилоятига 12 миллион евро миқдорида инвестиция киритиб, кардиожарроҳлик йўналишида хизмат кўрсатувчи клиника қуради.

**Андижон вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати**

* * *

Жорий йилнинг 24-26 май кунлари пойтахтимизда «Flowers & Garden expo Uzbekistan» гулчилик ва боғдорчилик халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.

**uza.uz**

Акс-садо

## Даврлар синовидан ўтган атама

*ёхуд «фуқаро» сўзи ҳақида мулоҳазалар*

*«Ishonch» газетасининг 2019 йил 15 январь санасида Рўзмат Тожимуродовнинг «Фақирлик»дан «беклик»ка ўтиш фурсати етмадими?» сарлавҳали мақоласидаги мулоҳазалари ва унга бир неча олимнинг муаллиф фикрини маъқулловчи фикрлари, сўнгра ёзувчи ва таржимон Асрор Мўминнинг шу мақолага жавобан эълон қилган «Мен – Ўзбекистон фарзандиман» мақоласи («Ishonch», 2019 йил 22 январь) бизни ғоят таажжублантирди ва бу ҳақда фикр билдиришга даъват этди.*

**Фуқаро** сўзи, мақола муаллифи айтганидай, «мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ билимсизлик, шошма-шошарлик билан, ҳеч қандай илмий асосланмасдан қўллашила бошланган» эмас. Бу сўз, аслида, араб ва форс тилларида «камбағал, қашшоқ, йўқсил» маъноларидаги **фақир** сўзининг кўплик шакли бўлса-да, у эски ўзбек тилида, яъни Алишер Навоий, Бобур ва уларнинг замондошлари, кейинроқ Фазлий, Абдулла Қодирий ва бошқа адиблар асарларида ўзининг асл маъносидан ташқари «халқ, омма» маъноларини ҳам ифодалай бошлаган. **Фуқаро** сўзи «Туркистон вилоятининг газети»да, XX асрнинг 20-30-йилларида яратилган луғатларда, 1950-1990 йилларда нашр этилган икки тилли луғатларда ҳам айни «халқ», «омма» маъносида, ҳам **гражданин** сўзининг синоними сифатида у билан мутаносиб ҳолда қўлланиб келган. Шу билан бирга, бу сўзнинг **-лар** қўшимчасини олиб, **фуқаролар** шаклида ишлатилиши эса унинг **фақир** сўзи билан алоқаси узилганини кўрсатади.

3 ▸

Шахсий фикр



## Баъзи сериаллар бизни манқуртга айлантирмоқда

*ёхуд хусусий телеканаллар раҳбарларига очиқ хат!*

Мана, бир неча кундирки, ижтимоий тармоқларда турк сериаллари ҳақида баҳс-мунозаралар авжига чиққан. Баҳс-мунозара кучайган сари телеканалларимизда турк сериаллари ҳақидаги реклама кўпайгандан кўпаймоқда. Нима учун? Халқнинг талаби, хоҳиш-истаги нега эътиборга олинмайди? ОАВларда, сайтларда бу ҳақда тинимсиз таҳлилий, мулоҳазали мақолалар бериб борилаётган бўлса-да, кенг аудиторияни қамраб олган телеканаллар раҳбарлари нега бу ҳақда ўйлаб кўрмаяпти? Ахир, ҳамма канални турк сериаллари босиб кетди.

Азалдан салла деса, каллани олиб келамиз – турклар билан яхши ҳамкорлик дегани уларнинг ўзида беришни ман қилган сериаллари бутун каналларни эгаллаб олсин дегани эмас-ку! Масалан, бир оилада ота ҳам, она ҳам хиёнаткор, уларнинг уйланган ўғли ёки қизи ҳам оиласига хиёнат қилади. Ва бу табиий ҳол. Худди дунёда эркак зоти қуриб кетганидек опа синглисининг эрига кўз олайтирган. Худди дунёда қиз зоти қуриб кетганидек йигит ўгай онасининг қизини севиб қолган. У ўгай она ҳам эрига хиёнат қилиб, йигитнинг отасига тегиб олган, оқибатда йигитнинг онаси отасини ташлаб кетган, аслида ўгай сингил бир пайтлар отасининг онасига хиёнати меваси – туғишган сингил!

3 ▸

ishonch.uz:

## «Матбуот бонг уради!»



5 ТА ТУМАН ВА ШАҲАРДА 1650 КИШИНИ ИТ ҚОПГАН. БИР ЙИЛДА!

ШИФОКОРГА ИШИНГ ТУШМАСИН...МИ? Ёхуд «тез тиббий ёрдам» нега тез эмас?

ТОМЧИ ТОШНИ ЁРАДИ ёхуд «тўтиқуш» бошловчилар, ваҳшийликни тарғиб қилаётган турк сериаллари ва жиловсиз телеканаллар хусусида баъзи кузатувлар

Qashqadaryo

Mahalla

XXI ASR

УЙИНГИЗНИНГ ҲУЖЖАТИ БОРМИ?

KORRUPSIYA OLIY TA'LIM TIZIMINI YEMIRMOQDA

БЕРГАНГА БИТТА ҲАМ КЎП, ОЛГАНГА ЎНТА ҲАМ ОЗ! ёхуд «сессия» пайтидаги муҳим тадбир

OILA DAVRASIDA

Ma'rifat

Namangan SADOSI



Меҳнат муҳофазаси

# Масъулиятсизлик кечирилмайди

**Меҳнат муҳофазаси комиссияси раиси касаба уюшмаси ташкилоти аъзолари орасидан сайланади. У бир вақтнинг ўзида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил ҳам ҳисобланади.**

Комиссия раиси ва аъзолари ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ва хизматлари, давлат бошқаруви ва назорат қилувчи органлар, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, суғурта компаниялари, Федерация Кенгаши меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритади.

Меҳнат муҳофазаси ишларини қандай йўлга қўйиш керак? Комиссия ҳар қандай ҳолатда кучли ҳамда ўз ўрнига эга бўлиши учун нима қилиш зарур?

Жавоб тариқасида шуни айтишимиз жоизки, меҳнат муҳофазаси комиссиясининг фаолияти аниқ мақсадга йўналтирилиши даркор. Бунинг учун, биринчи навбатда, меҳнат муҳофазаси вакиллари билан келишган ҳолда вазифаларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Уч поғонали маъмурий жамоатчилик назоратини ўз вақтида амалга ошириш, ходимлар малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этиш, аниқланган камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни аниқ муддатларда бартараф этиш юзасидан раҳбарият ва масъул шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш ҳамда уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Комиссия раиси ёки аъзоларидан бири касаба уюшмаси билан ҳамкорликда, жумладан фойдаланишга топширилаётган, янги ёки қайта таъмирланган ишлаб чиқариш ёки ижтимоий-маданий аҳамиятга эга объектларни меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини текшириш бўйича қабул қилиш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятида иштирок этади.

Комиссия меҳнат муҳофазаси меъёрларига амал қилиниши билан боғлиқ қатор ҳолатларни тўсқинликсиз текшириш ҳуқуқига эга. Чунончи, меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, санитария-маиший хоналар ҳолати, жамоавий ҳимоя воситаларининг мавжудлиги ва белгиланган меъёрларга мувофиқлиги, меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена (ювиш ва зарарсизлантириш) воситалари билан бепул таъминланганлиги, мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилганлиги кабиларни санаб ўтиш мумкин. Бу борада ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилгани, шунингдек, жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимида қайд этилган мажбуриятларнинг бажарилишига алоҳида аҳамият қаратиш лозим бўлади.

Таассуфки, айрим меҳнат муҳофазаси комиссияси раислари ўз ҳуқуқларини билгани ҳолда, ундан фойдаланишда уқувсизлик қилади. Юзага келаётган муаммоларнинг ечимини таъминлашда қатъият, матонат етишмайди. Ахир, комиссиянинг асосий вазифаси – иш берувчининг қонунлар ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур соҳада касаба уюшмалари аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эмасми!?

*Мухтасар айтганда, меҳнат муҳофазаси комиссияси раиси меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб фаолиятни изчил йўлга қўйса, иш жараёнида юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишловчиларнинг касб касалликларидан ҳимоялашда ижобий натижани таъминлаши шубҳасиз.*

**Камол НИГМАТУЛЛАЕВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси

*Қашқадарё вилояти*

Юридик бўлим фаолиятидан

**Қарши шаҳар «Қарлибоғот» маҳалласида яшовчи Нафиса Баҳриддиновадан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ариза тушди.**

# Хатолар жабрини биров тортмасин



Гап шундаки, у 2005 йилда шаҳардаги 14-умумий ўрта таълим мактабига кутубхоначи бўлиб ишга кирган, болалар кетма-кет туғилгани боис туғуруқ таътилида бўлган.

Н.Баҳриддинова боласи уч ёшга тўлганда у мактаб маъмуриятига ишга қайтиш масаласида учрашади. Бироқ иш берувчидан «Ҳозирча иш ўрни йўқ, қачон бўлса, чақирамиз. Унгача ўз ҳисобингиздан таътилга чиқиб туринг», қабилида жавоб олган. Бу вақтда кутубхоначи лавозимида бошқа бир киши ишлаётган эди.

Ишсиз қолган Н.Баҳриддинова масала ечимида амалий ёрдам сўраб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятидаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилади ва мактаб директори унга дарс соатлари, албатта, берилишини, бироз кутиб туришини билдиради.

«Буларнинг ҳаммаси ёлғон ваъда экан, чақирмади ҳам, қўнғироқ ҳам қилмади», дея ёзади муаллиф ўз шикоят аризасида.

Бирлашма юридик бўлим мутахассислари аралашуви билан адолат қарор топди. Нафиса ишга қайтди.

Бу каби ишдан ғайриқонуний бўшатилганлар сони кам эмас. Жумладан, «Ипак йўли» банки Қарши филиалида ишлаган Нигора Муродова, Қарши тумани «Ёртепа» МФЙ Шойхўжа қишлоғида яшовчи Фотима Набиева, Қарши шаҳар «Боғишамол» маҳалласидан Дилрабо Ибрагимова юридик бўлимга мурожаат қилиб, иш берувчи томонидан ғайриқонуний тарзда ишдан бўшатилганини билдиришди. Улар текшириш ва ўрганишлар натижасида аввалги иш жойларига тикланди.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига 2018 йилда 257 та ёзма, 428 та оғзаки, 282 та «Ишонч» телефони орқали арзномалар тушди. 91 та мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхоналарига фуқаролардан тушган мурожаатлар бўлиб, уларнинг ҳам ечимига кўмаклашилди.

Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш учун 42 та ҳолда иш берувчига тақдимномалар киритилди. 501 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Шунинг баробарида мурожаат муаллифларининг иш ҳақлари, нафақа ва товон пулларининг кечиктирилиши юзасидан 117 миллион 170 минг сўм миқдоридаги маблағлар ундириб берилди...

**Абдурашид МУРОДОВ,**
Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи мутахассиси

*Хоразм вилояти*

Касаба уюшмалари ташаббуси



# Осуда кунлар қадри

**1981 йили эндигина ўн саккиз ёшга тўлган Одилбек Қаландаров ҳарбий хизматга отланди. У хизмат қилаётган ҳарбий қисм Афғонистонга – уруш гирдобига ташланди. Уруш даҳшатларини бошидан кечириб, уйига эсон-омон қайтиб келди.**

Дастлаб Урганч педагогика билим юрти, кейинчалик Жисмоний тарбия ва спорт институтида таҳсил олди. Ўттиз икки йилдан буён Хонқа туманидаги 22-мактабда ўқитувчилик қилди.

– Мендан уруш ҳақида сўраганларга тинчликнинг қадрига етиш ҳақида гапираман. Урушнинг номи ўчсин... Шукурлар бўлсинки, юртимиз тинч, ўғлонларимиз ўз армиямизда хизмат қилишмоқда, – дейди тажрибали муаллим.

Муаллим қадрдон жамоаси ҳақида ғурурланиб сўзлайди. Чунки ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланишга иштиёқи жуда баланд. Турли мусобақаларда шогирдлари ғолиблик шоҳсупасидан жой олганда беихтиёр тўлқинланиб кетади.

Ўтган йили пенсияга чиққан бўлса-да, меҳнатдан тиним билмайди. Маҳалла раиси сифатида жамоатчилик ишларига бош-қош.

– «Ҳамма нарсани давлат қилиб бериши керак» дея қўл қовуштириб ўтирадиган замонлар ўтди, – дейди Одилбек Қаландаров. – Ҳар бир киши маҳалланинг ободлиги ва тинчлигини ўзи сақлаши керак. Ўтган йили маҳалламизнинг таъмирталаб бўлиб қолган ички йўлларига ҳашар йўли билан тош ётқиздик. Яхши-ёмон кунларда бир-бировга қайишишда гап кўп. Меҳр-оқибат устун бўлган жойда бахт ҳукмронлик қилади.

Яқинда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича маҳсул ташкилотчиси ташаббуси билан Афғон уруши фахрийлари учун «Касаба байналминалчиларга» номли акция ташкил этилди. «Хотира ва қадрлаш куни»гача давом этадиган ушбу акция доирасида куни кеча 48 нафар байналмилалчи Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатга юборилди. Мазкур тадбир собиқ жангчилар қалбида мамнунлик уйғотгани шубҳасиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«Ishonch» мухбири





# ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

## БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Данғара туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 350 нафар ишсиз фуқарога 57 корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликларидаги 304 та бўш иш ўрни таклиф этилиб, 10 нафар фуқаро тумандаги корхона ва ташкилотларда мавжуд иш ўринларига аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази йўлланмаси асосида ишга жойлаштирилди. 304 нафар киши эса меҳнат қонунчилиги бўйича зарурий тушунтириш ва маслаҳат олди.

## МУҲИМ МАВЗУЛАР МУҲОКАМАСИ

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида Урганч шаҳрида қатор корхона ва ташкилотлар, жумладан, мактабгача таълим муассасалари вакиллари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

Семинарда меҳнат муҳофазаси соҳасида жамоат назоратини ўрнатиш борасида амалга оширилаётган ишлар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсири ва корхоналарда ходимларни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида мутахассислар маърузаси тингланди.

## БЎЛАЖАК ИШ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида бўлажак тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларига оид мулоқот ўтказилди.

Мулоқотда таъкидландики, «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида андижонлик навқирон йигит-қизлар тақдим этган 1 минг 292 та лойиҳа учун жорий йилда 221 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Шу йўл билан 7 минг 143 та иш ўрни вужудга келтирилади.

## ХОДИМЛАР ДОИМ ҲУШЁРМИ?

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўрнатилаётган замонавий дастгоҳлар ва технологиялардан фойдаланишда ишчи-ходимлар ҳамиша ҳушёрми? Умуман, ишга ёндашув услублари янгиланаётган корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги билан боғлиқ талаблар лозим даражада бажариляптими?

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши ташкил этган ўқув-семинарда шу каби жиҳатлар баҳс-мунозара мавзусига айланди. Техника хавфсизлигига қатъий риоя қилиш, иш жараёнида кўнгилсиз ҳолатларга қўл қўймаслик, бахтсиз ҳодиса жабрдийдасига айланган ходимларга товон пули тўлаш тартиб-қоидалари, ҳужжатларни расмийлаштиришга оид масалалар юзасидан савол-жавоблар бўлди.

## 400 МИЛЛИОН СЎМ ИҚТИСОД ҚИЛИНАДИ

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил қилинган семинарда янги солиқ концепцияси, солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгартишлар, содда ва барқарор солиқ сиёсати тизимининг касаба уюшмаларига яратиб бераётган кенг имкониятлари таҳлил қилинди.

Солиқ юкининг камайтирилиши натижасида вилоятда 400 миллион сўмдан зиёд маблағ касаба уюшмалари ихтиёрида қолиши кўзда тутилмоқда. Ушбу маблағлар касаба уюшма аъзолари ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини янада яхшилашга, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ва меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилади.

## МУРОЖААТНОМА МОҲИЯТИ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятининг Электрда пўлат эритиш цехида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини ишчи-ходимлар ва ёшлар ўртасида янада кенг тарғиб қилиш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда комбинат ўқув маркази раҳбари Р.Раҳмонов, комбинат «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи Г.Абдуллаева ва Электрда пўлат эритиш цехи касаба уюшма қўмитаси раиси М.Алламуратов Мурожаатномада белгилаб берилган вазифаларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тутган аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

## «ҒАЗАЛ БЎСТОНИ АРО»

«Ўзметкомбинат» АЖ Ёшлар марказида улуғ шоирлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишлаб «Ғазал бўстони аро» деб аталган адабий-бадиий тадбир ташкил этилди.

Комбинат касаба уюшма қўмитаси ташкил этган мазкур тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоирлар Ботир Эргашев, Мирзо Карим ҳамда эстрада хонандалари Шуҳрат Дарё ва Моҳира Бобожонова металлургларга буюк ижодкорлар қаламига мансуб асарлар улкан маънавий хазина экани, уларнинг адабий меросини ўрганишга бугунги кунда янада кенг эътибор қаратилаётганига диққат-эътиборни қаратишди.

Тадбир давомида шоирлар ўқиган шеърлар ва хонандалар ижросидаги қўшиқлар йиғилганларга хушнудлик бағишлади.

**«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Баъзи сериаллар бизни манқуртга айлантирмоқда

## ёхуд хусусий телеканаллар раҳбарларига очиқ хат!





◄1

Ўйлаб кўрайлик: хиёнаткорликни тарғиб қилувчи турк сериаллари бизга нима беради? Аввало, ёшларимизда ўша миллатга нисбатан меҳр уйғотади. Меҳримиз баландки, қизларимиз бугун турк йигитига фахр билан турмушга чиқиб кетаяпти. Туркларнинг кинодаги ҳаёти нафақат онгимизга, балки хонадонларимизга кириб келмоқда. Ёшлар кинолар орқали бошқа миллатнинг туриш-турмушини ўрганади, тарихига қизиқа бошлайди. Мен, албатта, бошқа халқларнинг тилини, урф-одатини, тарихини ўрганишга қарши эмасман. Ўрганиш бошқа, меҳр қўйиш бошқа... Қолаверса, бундай сериаллар орқали эмас. Яна сериалки қизнинг онаси билан теппа-тенг гап талашиши, ўғилнинг ота билан ёқа бўғиб қолиши... Кийимларини-ку айтманг. Ҳавасимиз зўрлигидан Туркиянинг кўйлагини киймасак тўйга боролмайдиган бўлиб қолдик. Сарполаримизда, албатта, туркларнинг либоси, ҳатто галстук, пайпоқ, совунгача. Ўйлаб кўрмаяпмиз: улар сериаллар орқали кийимларига ҳавас уйғотиб, иқтисодини ривожлантираяпти. Биз эса кўп нарсани йўқотяпмиз. Чўнтагимиздаги пулимизни ўзга давлатнинг маҳсулоти учун ўн баравар қимматига сарфлаяпмиз. Ачинарлиси, эвазига оладиган бадалимиз нафақат моддий йўқотиш, балки МАЪНАВИЙ таназзулга олиб келяпти.

Қайси каналга олманг, қайси каналнинг дастурини кузатманг – турк сериали. Баъзида ҳар бир канал келишиб олгандек кетма-кетликда қўйиладиган «Гуллар изтироби», «Ҳовли» «Аёл», «Жасур ва гўзал» каби сериаллар оқими тўхтамаётганидан ҳайратга тушасан. «Эртуғул», «Муҳташам юз йил» каби тарихий киноларга чидаш мумкиндир. Американинг жангари, уруш саҳналарига бой бўлса-да, барибир инсонийликни, ғурурни, қаҳрамонликни тарғиб этадиган киноларига чидаш мумкин. Ўзимизнинг кўнгилни тўлдирар даражада ишланмаган бўлса-да, миллий менталитетни сақлаб қолишга ҳаракат қилган сериалларга чидаш мумкин, қаҳрамонларининг кўзидан ҳеч ёши тинмайдиган ва шу билан бирга урф-одатлари бизга яқинроқ бўлган корейс сериалларига чидаш мумкин, аммо Туркия киночилари томонидан ишланган, туркларнинг ўзлари ҳам кўришни маън қилган, уларнинг ҳаётидан, турмушидан узоқ бўлган сериалларга чидаб бўлмайди.

*«Facebook» ижтимоий тармоғида «Халқ билан мулоқот» гуруҳи бор. Айни кунларда ушбу гуруҳда турк сериалларига одамлар қандай муносабатда эканини уларнинг турк сериаллари ҳақидаги постларга ёзилаётган фикрларидан ҳам англаш қийин эмас.*

**Б.Суяров:** Барча турк сериалларини тақиқлашни таклиф қиламан. ТВнинг барча каналларини турк сериаллари банд қилмоқда.

**Г.Бейсеитова:** Бир тийинга қиммат сериаллар. Асоратини айтмайсизми? Умуман кўрмаслик керак. Беҳаё хотин-қизлар ва хотинбоз эркакларни кўриб ёшлар нимани ўрганади?

**Д.Ходжаев:** Бу сериалларни кўрсатишдан мақсад нима? Одамларни беномус ва ёвуз қилишми?

**В.Холияров:** Ҳақиқатдан ҳам турк сериаллари безор қиворди одамни, кўнгил айнийдиган даражада.

**Х.Маджидова:** Сериал муҳокама қилишдан бошқа иш йўқми? Ёқмаса, кўрманглар, бошқа муҳим масалалар ҳам бор.

**Флу:** Айнан ўша муҳим масалаларга аралашолмаслигимиз учун бизларни чалғитиш учун сериал беришади-да.

**Д.Тошназаров:** Ҳаммасида битта муаммо. Битта аёлнинг иккита эри бўлади, шуям киноми? Юқоридаги комментларда ёқмаса бошқа канални кўринг, дейилибди. Ахир, қайси каналга олсак, турк сериаллари навбат кутиб турган бўлади...

**М.Мирҳайдаров:** Агар эътибор берсак, турк сериалларини кўкларга кўтариб мақтаётганларнинг кўпчилиги аёллар. Энди фарзандларимизнинг тақдири шу аёлларимиз қўлида эканини бир тасаввур қилиб кўрингсизлар-а...

**Х.Инаятов:** Умуман бизга керакмас турк сериаллари, биз мусулмонмиз деб, мусулмончиликка тўғри келмайдиган ишларни қилишаяпти.

**Р.Маманазаров:** Маънавий хуруж бу турк сериаллари.

**Ф.Муҳаммадиев:** Айниқса, қамоқдаги аёллар курортда юргандек тасвирланган кинони қизиқиб кўришаяпти... Бу эса жуда ачинарли ҳолат...».

Туркияда яшайдиган фарзандиникида бўлиб қайтган фарғоналик бир онахон шундай дейди: «Туркияда янги сериалларнинг бир-икки қисмини намойиш этишади, кейин одамларнинг ижтимоий тармоқдаги мулоҳазаси кузатилади, агар янги сериал яхши баҳо олмаса қўйилмайди». Аммо бизда-чи, ҳатто журналистлар бу масалани кўтариб чиқишига қарамай турк сериаллари тўхтатилмаяпти. Нима, бу нописандликми ёки «шаҳар бедарвоза» деганими? Бу сериалларни тарғиб қилаётган, қўйишга рухсат бераётганларнинг асл мақсади нима? Бугун Президентимиз халқни китоб мутолаасига чорлаётган, китобхонлик маданиятини юксалтириш сиёсат даражасига кўтарилиб турган бир пайтда бу сиёсатга қарши қилинаётган ишми? Мақсад одамларни китобдан чалғитиш, фақат маиший мавзудан бошқасига онги етмайдиган, савиясиз халққа айлантиришми? Масалан, божхона томонидан фалон порнографик фильм дисклари ушлаб қолинди, деган хабарларга кўзимиз тушади. Аммо нега телевидениеда берилаётган порнографик киноларнинг дебочаси сифатида ишланган сериалларни назорат қилмайди ҳеч ким? Ёки бунинг ортида миллатнинг маънавиятини ўлдиришдек атайлаб уюштирилаётган ғоя ётибдими? Бунга ким ЖАВОБ БЕРАДИ? Эртага бу сериаллар туфайли порнографияни очиқ-ойдин кўрсатадиган ва табиий қабул қиладиган авлод етишиб чиқмайди, деб ким кафолат беради?

Бундан муддао нима? Ўзбек маданияти, маънавиятини бутунлай йўққа чиқаришми? Ёш авлод бугунги кунимиз тарихга айланганда ўз тарихини мана шундай сериаллар орқали яратадими? Турк сериалларига тобора кўникиш, воқеа-ҳодисаларини табиий қабул қилиш оқибатда ҳаётимизни ҳам шунга мослаштиришимизга, миллат таназзулига олиб келишини эсдан чиқармайлик.

Бугун турк сериалларининг ашаддий томошабинлари, ёқлагувчилари ҳам бор, албатта. Уларга ушбу сериалларнинг салбий жиҳатлари ҳақида гапирсангиз, «бир пайтлар қўйилган Мексика, Бразилия ва ҳ.к. сериаллари унутилиб ҳам бўлди», дегувчилар топилади. Лекин жиноятчилар, фоҳишалар айнан ўша унут бўлган сериалларни кўриб катта бўлган авлод вакиллари, ярим яланғоч кийиниб қўшиқ айтадиган, отасига тик қараб гап қайтарадиган, ўзининг номуссизлигидан уялмаётган баъзи қизлар, аёллар, йигитлар – ўша сериаллар қурбони, эмасми?

Йиллар давомида асабийлашиб кўрилган, онг остида тўпланиб ётган салбий ҳиссиётларнинг юзага чиқиши оқибатлари буларнинг барчаси. Бугун ўзга миллат вакилига турмушга чиқишга ҳавас қиладиганлар қаердан пайдо бўляпти, деб ўйлайсизлар? Яна 10-20 йилдан кейин бундан ҳам баттар бўлиши мумкин. «Ҳовли» сериалидагидек қамоқхоналар кўпаймаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Айтмоқчи бўлган гапим шуки, Сизлар ҳам шу миллатнинг фарзандларимисиз, оилангизда аёлларингиз, қизларингиз шу сериалларни кўрадими? Уларнинг тарбиясидан ташвишланмайсизми? Ёки сизларга фақат даромад муҳимми? Мен бу фикрларим билан сизларнинг бу борадаги позициянгизни билмоқчи эдим. Эътирозларингиз бўлса ҳам, марҳамат, эшитишга тайёрман. Ва шу билан сизлар узлуксиз қўяётган сериалларнинг инсон руҳиятига қанчалик салбий таъсири борлигини исботлаб беришга ҳам тайёрман.

Олимларнинг фикрича, сериаллар одамни зомбига айлантиради. Очиқ хатимга маънавиятимиз орқасидан чорак асрдан буён оила тебратаётганлар, мутасаддилар, қолаверса, парламент ҳам ўз муносабатини билдиради, деган умиддаман.

**Барно СУЛТОНОВА,**
журналист

**Таҳририятдан:** *Мавзу ОАВда қизғин муҳокама қилинмоқда. Бироқ энг қизиғи, унга айнан иккинчи томон – яъни сериалларни намойиш этаётганларнинг муносабати йўқ. Ўйлаймизки, жамият ривожланиб борар экан, ҳар ким бунда ўз ўрни, масъулиятини сезиши керак. «Ishonch» иккинчи томонга ҳам минбар таклиф этади...*



*Самарқанд вилояти*

Муносабат


Раҳмонов нега ранжиди?

# «Балиқ бошидан...» (ми?)

**«Ishonch» газетасининг 2018 йил 22 декабрдаги 153-сонида «Раҳмонов нега ранжиди?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Тойлоқ тумани тиббиёт бирлашмасида меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилинмаётгани, бирлашмага етти ойда еттита шикоят аризаси келиб тушгани, хусусан, шифокор Раҳмоновнинг қонуний манфаатлари топталгани баён этилганди.**

Танқиддан сўнг мутасаддилар тегишли хулоса чиқаргандир, деб ўйларсиз? Афсус, ундай бўлиб чиқмади.

Шу йил январь ойининг ўзида яна меҳнат қонунчилигига зид ҳолатлар хусусидаги иккита шикоят аризасини расмийлаштиришга тўғри келди. Туманнинг «Украч» маҳалласида яшовчи Манзура Бойқобилова ёзма мурожаатида баён этишича, у 2006 йилдан буён туман тиббиёт бирлашмаси туғуруқ мажмуасида ишлаб келган. 2014 йилда ҳомиладорлик таътилига чиққан. Туғуруқ таътили тугагач, ишга қайтмоқчи бўлганида, ТТБ кадрлар бўлими айни чоғда унинг иш ўрни банд экани, бўш ўрин бўлмаганини рўкач қилиб, унинг аризасини қабул қилмайди.

Эски Жума қишлоғида яшовчи шифокор Маҳфуза Бобомуродова ҳам туғуруқ таътилидан сўнг ишга чиқишига тўсқинлик бўлгани тўғрисида мурожаат қилган. Тегишли тартибда ТТБ маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилотига мурожаат қилинса-да, масалага ечим топилмаган.

– Шу соҳада ўқиганмиз, ишлаганмиз, – дейди шифокор Маҳфуза Бобомуродова. – Ўз жамоангда ўрнинг йўқ, дейишса, одамга алам қилар экан.

Касаба уюшмаларининг фаол аралашуви билан ҳар иккала ходим иш ўринларига қайтарилди. «Адолат қарор топибди-ку, ортиқча гап чувалаштириш шартми?» дейишингиз мумкин. Аммо савол туғилади: нега Тойлоқ ТТБда ўтган тўққиз ойда тўққизта шикоят юзага келди?

Бундан ташқари, биргина Тойлоқ ТТБдаги мурожаатларни ўрганиш, уларга адолатли ечим топиш учун оз эмас-кўп эмас, нақд 32 кун вақт сарфлашга тўғри келганинига нима дейсиз? Туман тиббиётидаги ачинарли ҳолат хусусида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига расман мурожаат хати киритганмиз. Газетада чиқиш қилинди. Бироқ барча саъй-ҳаракатлар қумга сингган сувдек изсиз кетди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси на газета чиқишига, на касаба уюшмалари мурожаатига бир энлик муносабат билдиришни эп кўрмади. Бундай ҳолатни кўриб, беихтиёр хаёлга «Балиқ бошидан...» эмасмикан? деган ўй келиши шубҳасиз.

**Улуғбек ҒАНИЕВ,**
Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

---

Навоий давлат педагогика институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси институтнинг «Рус тили ва адабиёти» кафедраси профессори, филология фанлари доктори

**Тоир ЮСУПОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

# Даврлар синовидан ўтган атама

## ёхуд «фуқаро» сўзи ҳақида мулоҳазалар


«ФАҚИРЛИК»ДАН «БЕКЛИК»КА ЎТИШ ФУРСАТИ ЕТМАДИМИ?
ҚАДРДОН ПОЧТАЧИЛАР ҚАЕРДА ҚОЛДИ?
АЛДАГАНИ МАТБУОТ ЯХШИ(МИ?)

◄1

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ЎзРФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида фаолият юритган таниқли ҳуқуқшунослар – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоблари, юридик фанлар докторлари Ҳ.Раҳмонқулов, Ғ.Аҳмедов ҳамда юридик фанлар доктори (ҳозирда академик) А.Саидов ва бошқалар иштирокида «Юридик атамалар ва иборалар луғати» тузилиб, унда тегишли маъно учун **фуқаро** атамаси танлаб олинган (**фуқаро** сўзининг **гражданин** сўзи ифодалаган маънода ишлатилишига мазкур сўзнинг иккинчи, яъни «оддий халқ, омма» маъноси асос бўлган). Бу луғат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси ҳуқуқшунослик шўъбасининг 1992 йилдаги мажлисларидан бирида муҳокама қилиниб тасдиқланган. Ушбу атама қўлланишга тавсия этилган атама (атама) лар рўйхатида «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида эълон қилинган. Муҳокамаларда бу сўз ҳақида бирон-бир салбий фикр билдирилмаган. Мана, 26 йилдирки, **фуқаро** сўзи «бирор мамлакатнинг доимий (муайян юридик ҳуқуқларга эга бўлган) аҳолиси» маъносида кундалик турмушда, барча расмий ҳужжатларда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, нутқ ва ёзишмалари), қонунчилик тилида (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлари), 12 жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ва бошқа соҳа энциклопедиялари, таржима ва соҳа луғатларида, дарслик ва қўлланмаларда ҳеч қандай тўсиқларсиз, ҳеч қандай эътирозсиз ишлатиб келинмоқда. Шу маънода беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» эса, мақола муаллифи бир мурожаатида айтганидай, «нотўғри тузилган» эмас, балки қайд этилган манбаларга асосланиб тузилган.

Бу сўзнинг асл маъносига келсак, бошқа тиллардан кирган сўзлар, атамалар йиллар давомида, тарихий ривожланиш жараёнида, илгари айтилганидек, турли маъно ўзгаришларига учраши, қўшимча, янги маънолар, ҳатто тескари маънолар касб этиши мумкин (масалан: **басир, бидъат, касал, мардум, махлуқ** сўзлари каби).

Инсоннинг дунёни билиш, англаш воситаси бўлган тил ўзи мансуб жамият ҳаётидаги ўзгаришларга мос тарзда ривожланиб, такомиллашиб боради. Ана шу такомиллашиш жараёнлари тилнинг турли сатҳларида турли даражада содир бўлади. Айниқса, тилнинг луғат таркиби билан боғлиқ ўзгаришлар жамият ҳаётида туб бурилиш юз берган даврларда аниқроқ кўринади. Айни пайтда, тил эгаларида баъзан тўғри, баъзан нотўғри тасаввурлар оқибатида тилга сунъий равишда аралашув тамойили кучаяди. Мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва ундан кейинги беш йилликда барчанинг кутилмаганда тилшуносга айланиши бунинг яққол далилидир. Шу боис, дунёнинг етакчи тилшунослари тил сиёсатида, умуман, тилга муносабатда ғоят эҳтиёткорликни, муайян тилда барқарор қўлланаётган сўзларни «хом» тасаввур ва ҳис-туйғуга берилган ҳолда «қувғин қилмаслик»ни, луғавий бирликларнинг меъёрлашуви, фан тили билан айтганда, «луғавий норма» мақомини олиши тилнинг табиий тараққиёти маҳсули эканлигини таъкидлайдилар. Тилнинг табиий такомилидан маълумки, сўзларда ҳатто зид маъно тараққиёти ҳам юз бериши мумкин. Дунё тилларининг барчасига хос бўлган айни жараён ўзбек тилидаги бир қатор сўзларда ҳам юз берганки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Масалан, қадимги туркий ва эски ўзбек тилларида **олчоқ** сўзи ижобий баҳоли сўз бўлган ва «камтар», «тавозели», «зариф» маъноларида қўлланган. Кейинчалик тил эгалари турмуш тарзидаги ўзгаришлар натижасида айни маънога зид, салбий баҳоли «ўтакетган разил, паст», «ёвуз», «номард», «хоин» маъноларини касб этган. Ушбу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида худди шу маънода ишлатилади, ўзбек тили соҳиблари уни ҳеч бир иштибоҳсиз қўллайди.

**ФУҚАРО СЎЗИ ЎРНИГА Р.ТОЖИМУРАТОВ ТАКЛИФ ЭТАЁТГАН БЕК, БЕКА СЎЗЛАРИ, УЛАРНИНГ АСРЛАР ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН МАЪНОЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН БЎЛСАК, МАҚБУЛ, МУҚОБИЛ АТАМА БЎЛА ОЛМАЙДИ. ХАТ МУАЛЛИФИ БУ СЎЗЛАР ҲАҚИДА «XXI АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИГАЧА БЕК СЎЗИ ФАҚАТГИНА БОЙ-БАДАВЛАТ КИШИЛАРНИНГ ЎҒИЛЛАРИ, БЕКА СЎЗИ БОЙ-БАДАВЛАТ КИШИЛАР ВА ҲУКМДОРЛАРНИНГ ХОТИНИ ДЕЯ НОТЎҒРИ ИШЛАТИЛГАН ВА ШУ ХАТО БУТУН ХАЛҚ ОНГИГА СИНГДИРИЛГАН», ДЕБ ЁЗАДИ.**

**Фуқаро** сўзи ҳам ана шундай маъно ўзгаришига учраган сўзлардандир. Агар мақола муаллифининг **фуқаро** сўзига бўлган эътироз-иддаоларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозир фаол қўлланаётган, аслида, ўтмиш замонлар тушунчалари бўлган **девон, девонхона, вазир, мажлис** («парламент» маъносида), **ҳоким, посбон** («қўриқчи» маъносида) сўзларидан ҳам воз кечишга тўғри келади.

**ФУҚАРО СЎЗИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ МАЪНО ЎЗГАРИШИГА УЧРАГАН СЎЗЛАРДАНДИР. АГАР МАҚОЛА МУАЛЛИФИНИНГ ФУҚАРО СЎЗИГА БЎЛГАН ЭЪТИРОЗ-ИДДАОЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН БЎЛСАК, ҲОЗИР ФАОЛ ҚЎЛЛАНАЁТГАН, АСЛИДА ЎТМИШ ЗАМОНЛАР ТУШУНЧАЛАРИ БЎЛГАН ДЕВОН, ДЕВОНХОНА, ВАЗИР, МАЖЛИС («ПАРЛАМЕНТ» МАЪНОСИДА), ҲОКИМ, ПОСБОН («ҚЎРИҚЧИ» МАЪНОСИДА) СЎЗЛАРИДАН ҲАМ ВОЗ КЕЧИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ.**

Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг **фуқаро** ҳуқуқий атамаси ҳақидаги қуйидаги жўяли фикрини келтириб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз: «Илмий, мантиқий нуқтаи назардан ҳам, шакл-у мазмун жиҳатдан ҳам бу ҳуқуқий атама устида турли баҳслар юради. Лекин замон кўзи билан қарасак, **фуқаро** ҳам **меҳнаткаш** атамаси билан қисматдош экан. Ҳар икки сўз мажруҳлик, тубанлик, бахтсизлик чоҳидан озод бўлиб, қадр-қиммат минбарига юксалибдилар.

Қадим замонларда... аслида «қул» маъносини англатувчи **мамлук** Мамлуклар салтанати бўлиб, соҳиблик мақомини олган эди.

Келиб чиқиши **фақир** бўлган **фуқаро**нинг бугунги соҳиблик мақоми ана шу тарихни эслатади. Фарқ шуки, **фуқаро** ҳозирги мақомга қадам-бақадам кўтарилган, аввал хожанинг фуқароси, сўнг амир-у султоннинг, бора-бора мамлакатнинг фуқароси қадар етиб келган. Камбағаллик маъносини йўқота бориб, аввал тобелик, сўнг муайян жамоага аъзолик даражасига етган. Мана энди **Юрт фуқароси** деганда биз **Юрт эгаси**ни тушунамиз. Бу эврилиш, бу метаморфозани кўринг! Тобеликнинг соҳибликка айланишига назар солинг!..

Бугун энди **фуқаро** сўзи жулдур тўнини ечиб, замонавий либосда қад кўтарган... Зотан, **гражданин** ҳам, **ситизен** ҳам ўзларининг аввалги «шаҳарлик» деган маъноларини аллақачон тарк этиб, олий мақом олган атамалардир» (Э.Воҳидов. Сўз латофати. – Тошкент, 2018. – 206-208-бетлар).

**Фуқаро** сўзи ўрнига Р.Тожимуратов таклиф этаётган **бек, бека** сўзлари, уларнинг асрлар давомида шаклланган маъноларидан келиб чиқадиган бўлсак, мақбул, муқобил атама бўла олмайди. Хат муаллифи бу сўзлар ҳақида «XXI асрнинг биринчи чорагигача **бек** сўзи фақатгина бой-бадавлат кишиларнинг ўғиллари, **бека** сўзи бой-бадавлат кишилар ва ҳукмдорларнинг хотини дея нотўғри ишлатилган ва шу хато бутун халқ онгига сингдирилган», деб ёзади. Лекин, аслида, бу таъриф хато ёки ёлғон эмас. **Бек** – подшо, хон замонларида оддий халқдан фарқли равишда «муайян имтиёзларга эга бўлган сарой амалдори», «таниқли мулозим», «муайян ҳудуд ҳукмдори» маъноларини, **бека, бекача** сўзлари эса «ана шу шахсларнинг хотини ёки қизи» маъноларини билдирган. Буни барча тарихий манбалар (бадиий ва илмий асарлар, тарихий луғатлар) тасдиқлайди. Хат муаллифининг **бек** сўзига келтирилган аксар сунъий ва тутуриқсиз изоҳ-у таърифлари ҳам ишонарли эмас (уларда ҳам «бой-бадавлат» маъносига урғу берилганки, у ҳақиқатга унча тўғри келмайди). Шунинг учун ҳам барча ўринларда **фуқаро** сўзини **бек, бека** сўзлари билан алмаштириш таклифини маъқуллаб бўлмайди.

Баён этилган омилларга кўра **фуқаро** сўзининг ҳозирги вақтда эскирган **гражданин** сўзи ўрнида қўлланаётгани ҳар томонлама мақбул ва ўринли. Уни бошқа бирор сўз (мас., **бек, бека**) билан алмаштиришга, мамлакатимизда глобал ижтимоий ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги даврда фуқароларимиз фикрини чалғитишга ҳеч қандай эҳтиёж, зарурат йўқ.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор.

**Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ,**
филология фанлари номзоди, етакчи илмий ходим.

**Ёрқинжон ОДИЛОВ,**
филология фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Мутафаккир ёди

# Авлодлар эҳтироми





ЎзА суратлари

**Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллуд куни юртимизда кенг нишонланди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ушбу сана муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.**

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид очиб, мамлакатимизда улуғ мутафаккир хотираси абадийлаштирилгани унинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси ҳамда чексиз истеъдодига бўлган юксак ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади.

Шундан сўнг сўзга чиққан адабиётшунос олимлар шоирнинг бой маънавий мероси асрлар оша бутун башариятни ҳайратга солиб, инсонлар қалбига, онг-у шуурига эзгулик, инсонпарварлик, саховат, меҳр-мурувват зиёсини таратиб келаётгани, мамлакатимизда улуғ бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, асарларини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этишга доимий эътибор қаратилаётганини эътироф этишди.

Британия музейи қўлёзмалар фонди раҳбари, профессор Майкл Эрдман Алишер Навоийнинг Буюк Британия музейида сақланаётган қўлёзма асарлари ва уларни ўрганиш масалаларига алоҳида тўхталган бўлса, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Имоми Содиқ Ашурбойзода икки давлат ўртасида ривожланиб бораётган маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорлик, бу борада икки улуғ сиймо Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоий ижодий меросининг ўрни ва аҳамияти хусусида гапирди.

Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ташкил этилган Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабалари Асадулло Азизий ва Раъно Шерзод улуғ шоир ғазалларидан ўқишди.

– Ҳазрат Алишер Навоийни нафақат сўз мулкининг султони, балки улуғ донишманд, мутафаккир десак арзийди. Чунки у бебаҳо асарлари билан бирга ўзининг тутумлари, фаолияти билан ҳам бугунги авлодга ўрнак бўлиб келган, – дейди Асадулло Азизий. – Биргина мисол: ҳозирги Афғонистоннинг Сарпул вилояти ҳудудида Ҳазрат Навоий ўша замонларда уч ой қолиб, катта бир кўприкни таъмирлаб кетган. Ул зотдан фақат яхши ном, улкан маънавий мерос қолган. Мен бугун Ҳазрат Навоий таваллудининг 578 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда қатнашаётганимдан мамнунман. Шу имкониятни берган ва биз – афғонистонлик ёшларнинг Ўзбекистонда таълим олишимиз учун шароит яратган икки давлат раҳбарларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Истеъдодли шоир Жўрабек Жаҳон Ҳазрат Навоийга бағишлаб ёзган шеърини ўқиди. «Ниҳол» мукофоти совриндори Шарофиддин Муродов ижросида Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар янгради.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги «Шоирлар хиёбони»да ҳам буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
«Ishonch» мухбири

Қашқадарё вилояти

Аждодлар закоси

**Сардоба – айлана шаклдаги пишиқ ғиштдан қурилган ва усти гумбаз билан ёпилган ҳовуз, яъни сув сақланадиган иншоотдир. «Сардоба» форсча сўз бўлиб, «муздек сув» деган маънони англатади.**

# Сардоба



Маълумотларга қараганда, юртимиз ҳудудида ўтган асрнинг бошларида 44 та сардоба мавжуд бўлиб, уларнинг 29 таси Қашқадарё вилоятининг қуйи ва ўрта қисмида (Қарши чўлида) жойлашган. Сардобалар 11-12 асрларда қурила бошланган. Асосан карвон йўллари бекатлари, сув тақчил бўлган шаҳар ва аҳоли манзилларида барпо этилган. Савдо бекатларидаги сардобалар қор-ёмғир сувларидан тўйинган. Йилнинг тўрт фасли, ҳатто ёзда ҳам унинг суви муздек бўлган ва карвонлар чанқоғини қондирган. Шаҳарлар ичида қурилган сардобаларга эса ерости қувурлари орқали дарёлардан сув келган. Қашқадарё вилоятида айни пайтда 7 та сардоба сақланиб қолган бўлиб, уларнинг учтаси Касби шаҳристонининг қадимий ўрнида Султон Мирҳайдар зиёратгоҳи атрофидадир.

Воҳадаги энг кенжа сардоба Касби туманининг Қамаши қишлоғида жойлашган бўлиб, 1892 йилда савдогарлик билан шуғулланувчи, олийҳиммат инсон Эшқул ҳожи маблағи асосида қурилган. Қамаши қишлоғида ўрта асрлардан бошлаб аҳоли яшаган ва чорвачилик, овчилик билан шуғулланган. Қишлоқ воҳанинг асосий сув манбаи Қашқадарёдан узоқда жойлашгани сабабли, сув анча тақчил бўлган. Эшқул ҳожи аҳолининг мушкулини енгиллатиш мақсадида хайрли ишга қўл уради. Сардоба тўртбурчак пишиқ ғиштлардан қурилган бўлиб, гумбази ясси шаклда, ташқи айланаси 10 метр, баландлиги 6 метр. Ҳовузининг чуқурлиги ҳам 6 метрга тенг. Кириш қисми равоқсимон пештоқ шаклида ишланган бўлиб, Ғарб томонда жойлашган. Тубига зинапоялар орқали тушилади. Уч томони ва гумбазининг тепа қисмида ҳаво айланиши учун туйнуклар қолдирилган. Бу сардоба юртимиздаги энг яхши сақланган сув ишоотларидан бири саналади. Давлат муҳофазасига олинган ушбу ёдгорлик ҳақида кўплаб тадқиқотчилар ўз асарларида маълумотлар қайд этган. Айни пайтда ҳам унинг сувидан қишлоқ аҳолиси хўжалик ишларида фойдаланади.



**Зайтуна УСМОНОВА,**
Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси

Бугуннинг гапи

# Миллий эстрада муаммолари

## Уларга қандай ечим изланмоқда?

*Очиғини айтганда, барчамиз қизиқадиган, кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айлаган бир соҳа бор: миллий эстрада. Шу боис, гап-гаштак, гурунгларимизнинг асосий мавзуларидан бири ҳам у билан боғлиқ. Ҳақиқий истеъдод эгаси ҳам, адашиб кириб қолган «ижодкор» ҳам аралаш-қуралаш бўлган айни пайтда бу соҳани ислоҳ қилиш, миллий санъат даражасига кўтариш борасида қандай ишлар амалга оширияпти? Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида* **«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси раҳбари Одил Абдуқаҳҳоров халқимиз тили ва дилидаги ана шу саволларга жавоб берди.**

### ЛИЦЕНЗИЯ РАД ЭТИЛДИ. НЕГА?

Санъат маънавиятни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Бугунги авлод кўпроқ эстрада қўшиқларини тинглайди, уларнинг шахсига қизиқади. Савиясиз қўшиқлар оғушида маст бўлиб улғайганлардан эса ким чиқиши маълум. Бу ҳолатни «Ўзбекконцерт» инобатга олмоқдами?

– Албатта, – деди Одил Абдуқаҳҳоров. – Шу мақсадда тизимли ишларни йўлга қўйдик. Ўтган йилда муассасага 3598 нафар лицензия талабгори ҳужжат топширган. Концерт-томоша фаолияти учун лицензия сони 3433 донани ташкил этди. Кенгаш хулосалари асосида малака ва мезон талабларига жавоб бермагани учун 165 нафар лицензия талабгорига рад жавоби берилган. Шунинг ўзи ҳам айни саволга жавобнинг ўзидир.

### «СЕЛФИ»ГА МУНОСАБАТ

Жаҳонгир Позилжоновнинг «Зўр» ТВ канали билан ҳамкорликда суратга олинган «Селфи» қўшиғи кенг жамоатчиликнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлганди. Хўш, унга «Ўзбекконцерт» қандай муносабат билдирган?

– Президентимиз мақташ бўлмайди, амалий ишларга ўтайлик, дея кўп таъкидлайди, – деди унга жавобан Одил Абдуқаҳҳоров. – Давлатимиз раҳбарининг амалга ошираётган ишларини бутун дунё кўриб, тан оляпти. Бу ишлар эстрада рекламасига муҳтож эмас. Бугун Жаҳонгир Позилжоновга индамасак, эртага бошқаси ҳам шунақа қўшиқ айтиб чиқиши мумкин. Кимгадир яхши кўринишни истаётганлар халқ учун хизмат қилиб, ўз ишини масъулият билан бажарса, амалга оширилаётган ислоҳотларга оз бўлса-да ҳисса қўшса, мақсадга мувофиқ бўлади. Айтиш жоизки, Президент сурати ёки давлат рамзларини қўллашда ўзига яраша тартиб-қоидалар бор. Қайси ҳолатларда ишлатиш мумкинлиги тегишли қонунларда белгилаб қўйилган. Шулардан келиб чиққан ҳолда канал маъмуриятига клипни эфирдан олиб ташлаш тавсия қилинди.

### САВИЯСИЗ КЛИПЛАР ОЛИНМАЙДИ(МИ?)

Санъат, аввало, инсонни тарбиялаши, тўғри йўлга бошлаши лозим. Қўйилаётган клиплар, саҳнада санъаткорларнинг ўзини қандай тутиши, қўшиқ матни бу борада муҳим вазифани бажаради. Афсуски, баъзилар буни ўз вақтида англаб етмай, қанчалаб ёш авлоднинг келажагини заҳарлаб қўяётганини билишмаяпти.

«Ўзбекконцерт» лицензиялаш ва бу жараённи мувофиқлаштиришдан ташқари қўшиқ ва клиплар, маданий-кўнгилочар концерт дастурларининг ғоявий-бадиий савиясини ҳам ўрганади, назорат қилади, тавсия беради. Айни вақтда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– 2018 йилнинг 1 февралидан бошлаб, ҳар ойда икки маротаба муассасада санъаткорларнинг қўшиқларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш Бадиий кенгаши ташкил этилди, – деди мутасадди. – Ўтган йили ушбу кенгашнинг 18 марта йиғилиши ўтказилиб, санъаткорлар томонидан 185 та видеоклиплар тақдим қилинди. Шундан 75 та видеоклип тасвирида жузъий камчиликлар учрагани сабабли қайта тўғрилашга тавсия берилди. 48 таси умуман талабларга жавоб бермагани учун рад қилинди.

### ЖОНЛИ ИЖРОГА ҲАММА ТАЙЁРМИ?

Республикамиздаги барча концерт дастурлари жонли ўтадими? Бу қачон амалга ошади?

*Маълумот берилишича, айни йилда концерт бераётган ҳар бир санъаткор* **30 фоиз, кейинги йил 60 фоиз,** *ундан кейин эса тўлиқ жонли ижрода куйлашга ўтади. Хоҳ унвонли, хоҳ унвонсиз бўлсин – барчасига шу талаб қўйилади. Бунгача ўзини тайёрлаб бормагани ўз-ўзидан бошқа соҳани танлашга мажбур бўлади. Ана шунда сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Ҳақиқий истеъдодларгина бу майдонда қолади.*

### ИСТЕЪДОДЛИЛАР ЭЪТИБОРДА

«Янги истеъдодлар» деб номланган танлов эълон қилиниб, ҳар бир ҳудуддан битта жонли ижрода куйлай оладиган ёш истеъдод кашф этилса, ушбу вилоятнинг ҳудудий бўлим раҳбарини 5 миллион сўм миқдорида моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган эди. 100 нафар ёш орасидан 16 нафари сараланиб, Конституциямизнинг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган давлат тадбирида улар жонли ижродаги концерт дастурида иштирок этишга муваффақ бўлишди. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудий бўлим раҳбарлари 50 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Айтиш жоизки, кимда ким ўзида истеъдодни англаса, «Ўзбекконцерт»нинг телеграм каналига ўз ижросидаги қўшиқни юбориши мумкин. Маъқул бўлса, бу ижодкор давлат тадбирларида куйлаш учун тавсия қилинади.

### «БРАВО»НИНГ «БУРАМА»СИ ҚАЧОНГАЧА?

Бугун истаймизми-йўқми, «Браво», «Дизайн», «Миллион» каби жамоаларнинг концерт дастурида бўш ўриндиқ қолмаяпти. Халқ артистларининг концертида ташкилотларга билет илтимос қилиб ўтказилаётган бир пайтда бу ҳолат бўлиши...



– Тўғри, уларнинг айрим ҳазилларини оила даврасида томоша қилиб бўлмайди, – дея жавоб берилди тадбирда. – Лекин улар эл дилидаги гапларни айтишса, «кимларгадир» бу таъсир қилиши мумкин, албатта. Лекин «Браво» жамоасининг сўнгги концертида айрим саҳна лавҳалари кенгаш талаби билан олиб ташланган эди. Концертнинг биринчи куни улар бу талабга риоя қилишмади. Чақириб огоҳлантиргандан сўнг кейинги кунлари бу саҳналар қўйилмади. Лекин дискларда биринчи кундаги дастур халққа тарқалиб кетди. Бу бўйича чора кўрилади. Яқин кунларда бу ҳақда маълум қилинади.

### ЛИЦЕНЗИЯ НАРХЛАРИ ТАБАҚАЛАШАДИМИ?

Маълумот берилишича, шундай тартиб жорий этилади. Вилоят ва туманларда санъаткорларга тўланадиган хизмат ҳақи анча паст бўлиб, пойтахт даражаси билан таққослаб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудуд учун алоҳида тўлов тури жорий этилади. Ҳозирга қадар арзон лицензия учун энг кам ойлик иш ҳақининг 13 бараварi миқдорида пул тўланарди. Бу кўрсаткич туманларда энг кам ойлик иш ҳақининг 7, вилоят марказларида 10 баробари бўлади. Эндиликда лицензия ва концертлар учун рухсатномалар олиш интернет орқали, он-лайн тизимда амалга оширилади. Бу санъаткорларга енгиллик туғдириш билан бирга, турли қоғозбозлик ва оворагарчиликларнинг олдини олади.

### МИЛЛИЙ ЭСТРАДА МИЛЛИЙЛИККА ЮЗ БУРАДИМИ?

Ҳа, бу амалга ошади. Ошиши керак. Чунки бугун баъзилар турли бачкана қилиқлари билан эл эътиборига тушишни ўйлаётган бўлса, бошқаларнинг қўшиқ куйлари чет элники. Бачканаликдан одамлар бир кун зерикади. Шунда у ўз-ўзидан эътибордан четда қолади. Чет эл куйларидан фойдаланаётганлар бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилди. Бу ҳол тез орада барҳам топади. Куйга ёзилаётган баъзи «эъжод» намуналари ҳам ўз-ўзидан назардан қолади. Вақти келиб санъатнинг асл вазифасини англаб етган, жонли ижрода куйлайдиган ҳақиқий соҳа эгаларигина қолганда ўзларига ўхшаган истеъдод соҳиблари, яъни шоирлар, бастакорлар билан ҳамкорлик қилади. Мумтоз адабиётимизга мурожаат этади. Ана шунда миллий куйлар яратилади, эстрадамиз ҳам ҳақиқий миллийликка юз буради.

**Абду РАҲМОНОВ**

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-91) 537-61-76
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **03:00**
Топширилди – **03:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 217.**
**30611** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**